Бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди

Бугун Ўзбекистон туманидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ташаббуси билан ташкил этилган ярмаркада тумандаги 24 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг 222 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

Ўтказилган меҳнат ярмаркасида ишсиз ёшлар, кам таъминланган оилалар, харбий хизматдан қайтганлар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар, муқаддам судланганлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳисобланган жами 80 нафари фуқаролар иштирок этди.

Улардан 49 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Йўлланма берилган ишсиз фуқаролардан 19 нафари доимий иш ўринларига эга бўлдилар.

Шунингдек, тумандаги вақтинча ишсиз бўлган, темир дафтар рўйхатига киритилган 11 нафар фуқаролар туман Ободонлаштириш бошқармасига хақ тўланадиган жамоат ишларига ишга жойлаштириш орқали бандлиги таъминланди.

2020-09-15 21:40:04